

Андижон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги
тадбиркорлик субъектларига давлат
хизматлари курсатиш
«Ягона дарча» маркази томонидан

**“ҚАЙТА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН
ЎТКАЗИЛДИ”**

Реестр № 9033

“29” сентябрь 2016 йил

«Andijon xududiy elektr tarmoqlari korxonasi»
акциядорлик жамияти акциядорларининг
2016 йил « 23 » август навбатдан
ташқари умумий йиғилиши
қарорига асосан

«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»

**«Andijon xududiy elektr tarmoqlari korxonasi»
aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ
(ЯНГИ ТАХРИРДА)**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида – Қонун) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тугрисида»ги Фармони, «Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш» комиссиясининг 2015 йил 31 декабрь 9-сонли баённома қарори тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2.1. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тугрисида»ги Фармони, «Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш» комиссиясининг 2015 йил 31 декабрь 9-сонли баённома қарори тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – «Андижон ҳудудий электр тармоқлари корxonаси» акциядорлик жамияти

- лотин алифбосида – «Andijon hududiy elektr tarmoqlari korxonasi» aksiyadorlik jamiyati

Рус тилида:

- Акционерное общество «Предприятие Андижанский территориальные электрические сети».

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – «Андижон ХЭТК» АЖ

- лотин алифбосида – «Andijon ХЕТК» АЈ

Рус тилида:

- АО «Андижанская ПТЭС»

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, А. Ҳайдаров кўчаси, 53 уй.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: andijonabt@inbox.uz

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: andijonХЕТК.uz

II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ.

2.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий-номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмолоқ муҳрига

(муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларига, ўз тимсолига эга, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

2.3. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Устав талабларига амал қилади.

2.4. Жамият акциядор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан уставда белгиланган муддатларда уларга Жамият устави, шу жумладан, унга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беради. Жамият акциядорнинг талабига биноан Жамиятнинг амалдаги Уставидан нусха олиб бериши шарт.

2.5. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Жамиятнинг фаолият мақсади фойда олиш ҳисобланади.

2.6. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.7. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.8. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.9. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кучмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.11. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин. Шўъба ёки тоъбе жамиятлари ва асосий жамият ўртасидаги муносабатлар амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва Ушбу устав билан тартибга солинади.

2.12. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.13. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.14. Жамият филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.

2.15. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

2.16. Жамият ўзининг юридик манзилдан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий Жамият фаолиятини амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.

2.17. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш кўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

2.18. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.19. Жамият, тижорат операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

III. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

3.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг куйидаги турларини амалга оширади:

- жамият шартнома асосида электр энергияни «Ўзбекэнерго» АЖ белгиланган тартибда ва тасдиқлаган тарифлар бўйича сотиб олиш.

- энергетика тизими диспетчери томонидан белгиланган хажмлар ва режимда 6-10-0,4 кВт тармоқлари бўйича электр сотишни амалга ошириш;

- электр таъминоти корхоналарига истеъмолчилар билан электр таъминоти шартномалари тузиш ҳукукини амалга ошириш учун белгиланган тартибда бош ишончнома беради;

- истеъмолчиларга электр таъминоти шартномаси асосида электр энергиясини сотишни амалга оширади;

- истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришда хавфсизликни таъминлайди;

- истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини жамият электр тармоқларига улаш бўйича техник шартларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, уларга риоя қилинишини назорат қилиш;

- корхона балансида булган электр тармоқлари чегарасида электр энергиянинг тижорат ҳисобини олиб бориш ва уни электр энергияни автоматлаштирилган ҳисобини назорат қилиш тизимини жорий этиш йўналишида такомиллаштиришни таъминлаш;

- янги техникани, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва замонавийлаштиришни жорий этиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

- тижорат ва тадбиркорлик фаолияти, шартномалар асосида халқ истеъмол молларини, ишлаб чиқариш-техник маҳсулотларни, хом ашёлар, материаллар, усқуналар, кишлоқ хужалиги маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ичида миллий ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқари ҳолатларда чет эл валюталарида узаро ҳисоб-китоб бўйича эркин нархларда олинган бошқа маҳсулотларини сотиш, сотиб олиш;

- шартномалар асосида корхона балансида булмаган электр қурилмаларини таъмирлаш, эксплуатация қилишда хизмат курсатиш, сошлаш, синаш ишларини амалга ошириш;

- улгуржи ва чакана савдо-сотик фаолиятини амалга ошириш;

- электр қурилмалари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш;

- бошқа корхоналар учун эксплуатация ходимларини тайёрлаш ва уқитиш;

- уз дуқонлар тармоғини ташқил қилиш;

- транспорт хизматларни курсатиш;

- қимматли қозғалар билан иш олиб бориш;

- қимматли қозғалар фаолияти билан боғлиқ булган масалалар бўйича ахборот таъминоти;

- жамият мақсадларига жавоб берувчи, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид қелмайдиган, фаолиятнинг бошқа турларини бажариш.

3.3. Маҳсус рұхсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда урнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

3.4. Электр таъминоти қорхоналари ҳудудий электр тармоқлари қорхонасининг электр энергиясини туман, шаҳар ишлаб чиқариш зонаси доирасида истеъмолчиларга тақсимлаш ва сотишни амалга оширувчи булинмаларидир.

3.5. Ўз электр тармоги хужалиги объектларида электр энергиясининг технологик йукотишларни камайтириш буйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

3.6. Электр таъминоти корхоналари конун хужжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

IV. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни бажариш учун Жамият куйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадир:

- ўз номидан битимлар, шартномалар тузиш, мулкӣ ва уз номулкӣ ҳуқуқларни сотиб олиш ва мажбуриятлар буйича жавобгар булиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида амалдаги конунчилик билан белгиланган тартибда судларда (жиноий, фуқаролик ва хужалик) даъвогар ва жавобгар булиш;

- шартномалар асосида мутахассисларни жалб этиш, хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратилган ҳолда ҳар йили танловлар ўтказиш;

- бошқарув лавозимларига раҳбар лавозимларга танловлар регламенти тасдиқлаш, унда танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари уларнинг якуни бўйича янги фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этиш;

- рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорга экспорт қилишда иштирок этувчи стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш, амалдаги конунчиликка риоя қилган ҳолда, хорижий шериклар билан шартномалар, битимлар ва бошқа хил ҳуқуқӣ хужжатларни тузиш;

- маҳсулот ва хизматларга булган талабдан келиб чиқиб, уз фаолиятини мустикал режалаштириш, ривожланиш истикболларини аниқлаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш ҳамда акциядорлар ва меҳнат жамоаси аъзоларининг шахсий даромадларини ошириш йулларини аниқлаш;

- техник шартлар, давлат стандартларига, техник эксплуатация, хавфсизлик техникаси коидаларининг талабларига, табиатни муҳофаза қилиш конунчилиги, ёнгин хавфсизлиги коидалари ва талабларига ҳамда соҳада амал қилувчи бошқа меъёр ва коидаларга риоя қилган ҳолда ускуна ва объектларни эксплуатация қилишни амалга ошириш;

- хизмат курсатиш доирасида электр энергиясини таксимлаш ва истеъмол қилиш режимларини оператив диспетчерлик бошқариш;

- шартномалар суткалик график истеъмол қилиш лимитларига биноан корхона электр тармоқлари буйича электр энергияни таксимлаш;

- янги ишга киритиладиган ва реконструкция қилинадиган электр тармоқлари объектлари буйича лойихалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш, лойихаларни ва ишга тушириш схемаларини келишиб олиш;

- корхона ишлаб чиқариш фаолиятини метрологик жихатдан таъминлаш ва стандартлаштириш;

- электр энергиясини истеъмол қилиш шартномавий мажбуриятларини бажармайдиган истеъмолчиларни тулик ёки қисман чеклашни амалга киритиш учун техник тадбирлар ишлаб чиқиш ва бу тадбирларни амалга ошириш;

- хизмат курсатиш чегаралари доирасида, энергетика тизимининг режими буйича, электр энергиянинг истеъмол қилиниши, чеклашларни киритиш устидан назорат қилиш;

- корхонаниннг электр тармоқларида электр энергия узатиш учун унинг сарфини камайитириш буйича техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

- электр тармоқларида янги техника ва технологияларни жорий қилиш ва узлаштириш;

- корхонаниннг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб зарурият туғилган

ҳолларда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини бир маромда ишлашини таъминлаш учун таваккалчилик асосида жиҳозларни сотиб олиш ва сотиш;

- технологик узилишлар, бахтсиз ходисаларни текшириш ва ҳисобга олиш, уларни бартараф этиш буйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бажариш;

- Республика ичида ва ундан ташқарида филиаллар, ваколатхоналар, ишлаб чиқариш цехлари, участкалари ва бошқа турдаги таркибий бўлинмалар ва янги корхоналар ташкил этиш ва таъсис этиш;

- ижарага бериш, техник воситаларга хизмат курсатиш, ускуналар лизинги пунктларини ташкил қилиш;

- импорт буйича хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, ускуналар ва бошқа маҳсулотни сотиб олиш учун сармоядорларнинг маблағларини, шу жумладан валюта маблағларини жалб қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кучар ва кучмас мулкни уз мулки сифатида сотиш, сотиб олиш ва ижарага бериш;

- белгиланган тартибда банкларда ҳар қандай ҳисобларни, шу жумладан валюта ҳисобларини очиш, ссудалар ва банк кредитларини олиш, қонунчиликка мувофиқ равишда ҳар қандай шаклда маблағларни утқишиш ва ақцептлаш, қимматли қогозларни чиқариш, сотиб олиш ва жойлаштириш;

- нақд пулга ҳисоб-китоб қилиш йули билан маҳсулотлар ва хизматларни сотиб олиш ва сотиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ, мустақил равишда уз балансидан мол-мулкни, қарзларни, қароматни, бошқа исрофларни ҳисобдан чиқариш;

- семинарлар, конференциялар, курғазма ва шоулар ташкил қилиш, утқишиш ва уларда қатнашиш;

- реклама-безаш фаолиятини амалга ошириш.

4.1. Акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилиши ва уларнинг алоқалари учун замонавий воситалар, интернет тармоғи маълумотлари, қулай усуллар, имкониятлар бошқа зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

4.2. Ошқор этилиши шарт бўлган ахборотлар яъни фаолият самарадорлиги, соф фойда, дивидендлар миқдори ва бошқа ахборотларни акциядорлик жамияти сайти ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда ўзбек, рус ва акциядор ҳамда бошқа манфаатдор томонларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга қулай бўлган бошқа тилларга таржимаси билан биргаликда эълон қилинишини таъминлайди;

4.3. Акциядорлик жамиятларининг дивидендларни ҳисоблашнинг шаффоф механизмини очиқ берувчи дивиденд сиёсати тўғрисидаги низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4.4. Самарали ички назорат тизимини жорий қилиш учун акциядорлар умумий йиғилиши томонидан "Ички назорат тўғрисидаги низом"ни тасдиқлаш;

4.5. Ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида Кузатув кенгаши томонидан "Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом"ни тасдиқлаш;

4.6. Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни ҳал этиш учун манфаатдор бўлмаган учинчи шахсни тайинлаш. Манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш бўйича масалаларни ички аудит хизмати ёки ваколатни кузатув кенгашининг мустақил аъзоси (аъзолари)га юклаш;

4.7. Жамият уз ҳуқуқларидан мустақил равишда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

4.8. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошқор этилиши мумкин эмас.

4.9. Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Жамиятнинг тижорат сирини ошқор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.10. Жамиятнинг тижорат сирини тоифасига киритилган ахборот билан Жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Жамият бош

директори томонидан белгиланади.

V. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

5.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

5.2. Жамият устав фондининг миқдори 8 822 950 000 (саккиз миллиард саккиз юз йиғирма икки миллион туккиз юз эллик минг) сумни ташкил килади ва 1 764 590 дона акцияга булинган. Шундан:

- Эгасининг номи ёзилган оддий акциялар: 1 731 940 дона, умумий қиймати 8 659 700 000 (саккиз миллиард олти юз эллик туккиз миллион етти юз минг) сум;

- Эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар: 32 650 дона, умумий қиймати 163 250 000 (бир юз олтмиш уч миллион икки юз эллик минг) сўм.

Жамият акциялари куйидагича тартибда таксимланган:

«Узбекэнерго» АЖнинг улуши – 8 449 800 000 (саккиз миллиард тўрт юз кирк туккиз миллион саккиз юз минг) сумлик, жами 1 689 960 (бир миллион олти юз саксон туккиз минг туккиз юз олтмиш) дона акциялардан иборат булиб, жамият Устав фондининг **95.77** фоизини ташкил килади;

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Давлат кумитаси «Давлат активларини бошқариш маркази» Давлат унитар корхонаси улуши -209 900 000 (икки юз туккиз миллион туккиз юз минг)сумлик, жами 41 980 (кирк бир минг туккиз юз саксон) дона акциялардан иборат ва Устав фондининг **2.38** фоизини ташкил килади;

Мехнат жамоасининг улуши- 163 250 000 (бир юз олтмиш уч миллион икки юз эллик минг) сумдан иборат булиб, 32 650 дона имтиёзли акция, Устав капиталининг **1.85** фоизини ташкил килади.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

5.3. Жамият устав капиталини кўпайтириш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар жамият уставига ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг кузатув кенгашига шундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.5. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина, очик ёки ёпик усулда жойлаштирилади.

Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин булган эълон қилинган акциялари миқдори – номинал қиймати 5 000 сўмлик 5 000 000 дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялардан иборат.

5.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш усули, муддати, жойлаштириш нархи(акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш - қўшимча акциялар очик усулда жойлаштирилганда), акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

5.7. Жамият томонидан чиқарилаётган акциялар жойлаштирилаётганда белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки

биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади. Лекин қуйидаги ҳолат бундан мустасно:

- ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, ушбу чиқарилувдаги акциялар белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржадан ташқари уюлмаган бозорларда (жамият ва олувчи ўртасида тегишли шартнома тузиш йўли билан) жойлаштирилади;

- жамиятнинг устав капитали ўз капиталини капиталлаштириш ҳисобидан тўланадиган қўшимча акциялар чиқарилиши орқали оширилганда акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлаш. Бунда, акцияларни эмитентнинг акциядорлари ўртасида жойлаштириш эмитент олий бошқарув органининг ўз капиталини капиталлаштирилиши тўғрисидаги қарори асосида ҳеч қандай шартномалар тузилмаган ҳолда амалга оширилади. Акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлаш қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда кўрсатилган кундаги реестр маълумотлари бўйича амалга оширилади.

5.8. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади. Қуйидаги ҳолат бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтириладиганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.9. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини), ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айтишга турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди. Жамиятда пул маблағлари билан туланувчи, акцияга конвертация қилиниши керак булган акция ёки эмиссиявий қимматбохо коғозлар жойлаштирилса, овоз берувчи акция эгалари жамият устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи назарда тутилади;

5.10. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

5.11. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.12. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

5.13. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

6.2. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига акциялар номинал қийматининг

25 фоизига тенг йиллик дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

6.3. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоли амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

6.4. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

6.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.6. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

6.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.8. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

6.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

VII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

7.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондиди ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.3. Жамият устав капиталининг 15 фоизи миқдорда жамият захира фонди тузилади.

7.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказилади.

7.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VIII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

8.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ҳамда жамият ижроия органи – Бош директордан иборат.

IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик

умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугагандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

9.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, жамият аудитори ёки унинг вакили, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва Бошқарув аъзолари катнашишлари шарт.

9.4. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида бир фоиздан кам булмаган миқдорига эгаллик қилувчи акциядорлар умумий йиғилишнинг кун тартиби таклифлар, фойда таксимоти, бошқарув органларига номзодлар ёки уларни умумий йиғилиш ўтказгунга қадар алмаштириш тўғрисидаги таклифлар бериши мумкин

9.5. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида бир фоиздан кам булмаган миқдорига эгаллик қилувчи акциядорлар молиявий йил тугагандан сунг туксон кун кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишнинг кун тартибига саволлар киритиши, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолигига уларнинг белгиланган сон тартибини ўзгартирмаган ҳолда номзодлар таклифларини бериши мумкин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;

- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тасдиқлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- жамиятининг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда компания томонидан йирик битимлар ва Компания аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг жорий хужалик фаолиятиги кирувчи битимларни аниқлаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.
- Бизнес режа бажарилганда, молиявий имконияти даражасида олинган фойданинг 10 фоизигача миқдорда хомийлик ёрдамлари кўрсатиш.

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар икки иш куни ичида, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

9.8. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

Х. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

10.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга, кейинги муддатга қайта сайланиш имконияти билан сайланадилар. Кузатув кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритилади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат. Кузатув кенгаши аъзолиги учун номзодларга корпоратив бошқарув малака сертификатлари (устав капиталида давлат улуши бўлган тақдирда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестати) мавжудлиги талаби белгиланади.

10.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун

жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда акциядорларнинг умумий йиғилиши, қонунчиликда белгиланган доирада, кейнчалик ушбу маълумотларни жамият веб сайтыда акс эттириш жойлаштириш йули билан хайрия(хомийлик) ва бегараз ёрдам курсатиш тартибларини аниқлаш;

- ушбу масалалар буйича Кузатув кенгаши қошида комитет(ишчи гуруҳи)лар ташкил этиш;

- жамият Ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

- жамиятнинг ижроия органини раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

10.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг

кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

10.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

10.7. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

10.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Зарурият кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

10.9. Жамият кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, акциядорлик жамиятлари ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этади.

10.10. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида бир фоиздан кам булмаган миқдорига эгалик қилувчи акциядор(акциядор)лар Кузатув кенгаши йигилишини утказиш тугрисида талаб куйишлари мумкин.

10.11. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

10.12. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

XI. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

Жамият ижро органи акциядорларнинг умумий йиғилишида тармоқ хусусиятининг ўзига хослиги, рақобат муҳити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятининг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режалар ишлаб чиқади ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашига тасдиқлаш (маъқуллаш) учун киритади.

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги Ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади.

11.2. Бош директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

11.3. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

11.4. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган ҳолда танлов асосида сайланади (тайинланади). Бош директор билан меҳнат шартномасини жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

11.5. Бош директорга тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг

самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

11.6. Бош директорнинг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.7. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.8. Бош директорнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур Устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

11.9. Бош директорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- Устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кура унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

- Жамият мижозлари билан шартномалар ва контрактлар тузади;

- Штатларни белгилайди, Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини куллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

- Жамиятнинг таркибий булинмалар тугрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йуриқномаларини тасдиқлайди;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий булган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва курсатмалар беради;

- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

- уз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг мутлак ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

- Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
 - Жамиятнинг таркибий булинмаларининг узаро самарали ҳаракатини таъминлайди;
 - Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада курсатилган микдорларда фойда олишни таъминлайди;
 - Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилади, уларни ташкил этади ва бажарилишини назорат қилади;
 - Жамиятнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;
 - Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тугрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;
 - Жамиятнинг молия-ҳужалик фаолияти тугрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига қура тақдим этади;
 - давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тулик ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;
 - Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, агар бундай ахборотни ўзининг шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса.
 - Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар руҳиати Жамият директори томонидан белгиланади;
 - хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;
 - Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини қуради;
 - Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишини таъминлайди;
 - ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тугрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этади;
 - Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва туланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилади;
 - Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.
- 11.10. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.
- 11.11. Бош директор қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.
- 11.12. Бош директор маъмур устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

ХII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Жамиятда корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва кузатув кенгашига ҳисобот берувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этилади.

Жамиятда бундан ташқари молия-ҳужалик фаолиятини назорат қилувчи:

а) Тафтиш комиссияси

12.1. Жамиятнинг молия-ҳужалик фаолиятини назорат қилиш учун

акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

12.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари амалдаги қонунчилик ва мазкур устав билан белгиланади.

12.3. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига такдим этишлари шарт.

12.4. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

12.5. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

12.6. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

б) Ички аудит хизмати

12.7. Жамият активларининг баланс киймати энг кам иш хаки миқдорининг юз минг баробаридан кўп булган жамиятда Ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати ходимларининг сони Ички аудит хизматлари мақсадларига самарали эришиш, унинг вазифаларини ҳал этиш учун 2 нафардан кам булмаган Ички аудитор сертификатига эга булган ходимлардан иборат этиб белгиланади.

12.8. Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тулик ҳамда тўғри акс этирилиши таъминланишини, ҳужалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини. активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

12.9. Ички аудит хизмати ички назоратни ҳамда 50 фоиздан зиёд улуши АЖга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан ҳам назоратни амалга оширади.

12.10. Ички аудит хизмати уз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

12.11. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-ҳужалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик ҳулосаси такдим этади.

12.12. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик ҳулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар булади.

XIII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

13.1. Оддий ва имтиёзли акция эгалари булган акциядорлар ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

килиш тугрисида»ги конун талабларига асосланган холда амалга оширилади.

13.2. Акциядорлик жамияти акциядорлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди.

13.3. Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

13.4. Акциядорлар шундан миноритар акциядорлар овоз бериш пайтида узро уринларини шакллантириш учун акциядорлик келишувлари тузиши мумкин.

13.5. Миноритар акциядорлар бошқарув органи фаолиятига асоссиз ҳужжатлар талаб килиш, махфий маълумотларни, савдо сотик сирлари ишлатиш йули билан бошқарув органи фаолиятига қаршилик қилмасликлари керак.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

14.1. Жамият конун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

14.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тугри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига жамият фаолиятига доир маълумотлар уз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик конун ҳужжатларига мувофиқ ижроия органи зиммасида булади.

14.3. Жамиятнинг акциядорлар умумий йигилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тугри эканлиги жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

14.4. Курсатиб утилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин жамият йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун жамият ёки акциядорлар билан мулкӣ манфаатлар негизида боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб этиши шарт.

14.5. Жамиятнинг молия йили ҳар йилнинг 1 январидан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

XV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги конун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

15.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

15.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатида олинган вақтдан бошлаб кучга қиради.

«Андижон ХЭТК» АЖ
Бош директори

И.А.Ҳакимов